Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 163 (6. 652) ◉ 1988 йил 16 июль, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

XIX

Эртага— Металлургларнинг куни

Янгича ишлаш шарофати

Экономикани юксалтиришда, уни янги босқичга кўтаришда металлургиянинг ўзига хос ўрни ва беқиёс роли бор. Ҳозирги кунда халқ хўжалигининг бирон бир тармоғи йўқки бу соҳа фидойиларининг самарали меҳнатларисиз жадал ривожланаётган бўлса. Ҳа, ҳар бир жабҳада уларнинг хизмати, самарали изланишлари кўзга ташланиб турибди. Шаҳримиздаги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг металлургия цехида ҳам бу борада катта ютуқларга эришилмоқда.

— Анъанавий касб байрамимизни муносиб ютуқлар билан кутиб олаётганлигимизни алоҳида эътироф этмоқчиман, — дейди цех бошлиғи Иза Бравер-ман. — Қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг ўткир ҳаётий талаблари бизнинг фаолиятимизга ҳам тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Ишда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Шуниси қувончлики, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ҳаммамизнинг фаолиятимизда туб бурилиш ясади. Янги ўзгаришлар юзага кела бошлади. Бу ўзгаришларни биз ўз кучимиз билан колдектив равишда амалга ошираяпмиз. Ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ишлашнинг завқи ўзгача бўларкан. Цехимиздаги барча бригадаларда ҳозир ишлар талаб даражасида олиб борилмоқда. Бунинг эвазига иқтисодий-техник кўрсаткичларимиз тобора юксалиб бораяпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили ўтган олти ойи давомида биз 5 минг 150 тонна металл қўйма тайёрлашимиз керак эди. Зарбдорчасига ишлаш, янгиликлар сари дадил интилишимиз эвазига планни ортиғи билан адо этдик.

Бизда ўз ишига астойдил меҳр қўйган фидойи пўлат эритувчилар, қолипловчилар, формаловчидар ишлашади. Ана шундай заҳматкаш ишчилар орасидаги Андрей Матвеев, Раҳматулла Ниёзтоев, Финиль Шергазин сингари ўз касбининг усталари билан ҳақли равишда фахрланамиз

Мамлакатимиз коммунистларининг яқинда ўз ишини тугатган катта анжуманида қайта қуришни жадаллаштириш ўзимизга, ўз меҳнатимизга боғлиқлиги тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биз бу фикрлардан гоят тўлқинландик ва ишимизни янада яхшилаш юзасидан энг муҳим тадбирларни белгилаб олдик. Ҳозирги кунда бу тадбирларни фаолиятимизга кенг тадбиқ этяпмиз. Бунинг эвазига цехимиз графикдан бир кун илгарилаб кетди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Ҳаёт қўшиғи

Ҳаёт... У бамисоли денгизнинг шовуллаган тўлқинларига ўхшайди. Ана шу тўлқинлар узра майин наво таралади. Бу наво — инсон умри. Зеро, ҳамма ҳам шовуллаган тўлқинларни ёриб ўтиб, ажиб куй таратишга, уни яратишга қодирми? Асло... Қаҳрамонимиз Нодира Ғозиева ҳали ёш. Аслида ёш замондошларимиз ҳақида сўзлаш бирмунча мушкул. Шундай бўлсада биз Нодиранинг ҳаётидан бир-икки лавҳани айтиб ўтмоқчимиз...

Муборак опанинг кенжа фарзанди Нодира мана ўрта мактабни тугатяпти. Икки ўғли — Муқимжон ва Мақсуд, қизлари Тожихон ҳамда Ҳамидахонлар ўз йўлларини топишган. «Нима бўлса ҳам кенжатойим — Нодира акаопалари сингари ўқимишли, ақл-заковатли, одобли бўлсин» дерди она. Шундай бўлди ҳам. Лекин болаликдан «Врач бўламан» деб юрган қизча нима учун бирданига И. Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтига ҳужжатларини топширганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Сабабини кейинроқ Нодира уйдагиларга тушунтириб берди. Ҳар галгидек ўша йили мазкур институтда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Бир неча дугоналари билан бу ерга келган Нодира институтнинг турли факультетлари, бўлимлари билан қизиқди. Шунда унга факультетлардан бири маъқул тушди. У ҳеч иккиланмай ўша факультетга ҳужжатларини топширди. Студентлик даври ҳам бошланиб кетди. У ўшандаёқ янгиянги моделдаги кийимларни хаёлан чизарди...

Беш йиллик ўқиш ҳам, студентликнинг олтин даври ҳам кўз очиб, юмгандек ўтиб кетди. Энди у ишни нимадан бошлашни ўйларди. Аввало у трикотаж маҳсулотлари Республика моделлар уйига ишга кирди. Аста-секин студентлик йилларида ўйлаб юрган моделлари устида иш олиб борди...

Бугун Нодиранинг жияни туғилган кун. У ерга бормаса бўлмайди. Оқшом пайти жиянининг курсдош дўстлари бирин-кетин кела бошлашди. Улар орасида қизлар ҳам бор эди. Шунда Нодирага қизлардан бирининг эгнидаги кўйлаги оловдек кўринди. Наҳотки бу кўйлак бир неча ой бурун Нодира топширган моделдаги кийим бўлса. Ўшанда у қувончини яшира олмади. Ахир биринчи модель. Устига-устак у дарҳол ёшларга ёққан бўлса. Қандай ажойиб...

Ҳозирги кунда Нодира Ғозиеванинг яратган моделлари ўндан ошди. Бу албатта, бошланиши. Барча иш эса ҳали олдинда.

Умрнинг ҳар лаҳзасини қалбига жо қилиб, ундан ҳаётнинг ажиб қўшиғини яратаётган сафдошларимиз кўплаб топилади. Гулларга бурканиб ўтирган бу қиз ҳам, ана шундай инсонлардан бири.

Д. ЖАЛОЛОВ.

● СУРАТДА: модельер Нодира Ғозиева.

Т. Каримов фотоси.

Яхши кайфият Сизга ёр бўлсин

Яхши меҳнат ҳам, яхши ҳаёт ҳам энг аввал яхши кайфиятга боғлиқ. Яхши кайфият эса биринчи навбатда яхши дам олиш билан ҳамоҳангдир. Шундай экан, ҳамшаҳарларимизнинг шанба, якшанба кунларини мароқли ўтказишлари даставвал кейинги меҳнат ҳафтасининг унумли бўлишини таъминлайди. Гавжум вокзаллару ғала-ғовур автостанциялар, тоғ йўллари томон ғизиллаб бораётган автобуслару енгил машиналар — ҳамма-ҳаммаси дам олиш кунларининг жонли манзаралари, бундай пайтда «тоғлар», «сойлар» деган сўзлар кишига завқ бағишлайди, сирли сўқмоқлару соҳиллар томон чорлайди кишини. Шундай орзиқтиргувчи паллада биз ҳам ҳурматли газетхонларимиз ҳордиғига ҳисса қўшолсак, «Оқшом»нинг бугунги сонида берилаётган материаллар ила уларнинг кўнглини кўтарсагу умид ва эзгу ниятлар бахш этсак мамнун бўлардик.

Янги ўқув йили тараддуди

Бугун «Ўқитувчи» нашриёти Ўзбекистон мактабларининг ўқувчилари учун янги ўқув йилига атаб муносиб совғалар ҳозирлади.

Нашриётда ўқувчилар учун кўплаб янги дарсликлар чоп этилди. Айниқса, мактаб ислоҳоти амалга оширилиши билан кўпгина фанлар бўйича янги программалар асосида тайёрланган янги дарсликлар муносиб совғадир.

Олти ёшдан бошлаб ўқитиладиган мактабларнинг 3-синфлари учун «Ўзбек тили», «Математика», «Рус тили», «Ўқиш китоби» дарсликлари мактабларга етарли миқдорда етказиб берилмоқда.

Шу кунга қадар ҳаммаси 102 номда, 16 миллион нусхада такомиллашган дарсликлар чоп этилди.

Н. ЖАББОРОВА.

Ягона сиёсий кун

Қайта қуриш йўлидан, олға

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг маҳсулот сифати масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари М. Ҳ. Раҳимов оғир шлангли кабеллар цехида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларига бағишланган суҳбатни бошлар экан, унга осон бўлмаслигини билар эди. Цех шартномада белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини ҳамиша ҳам уддалаётгани йўқ, технология оқсамоқда, машина-ускуналарни алмаштириш зарур. Раҳбарнинг ишчилар билан суҳбати неча йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни қандай қилиб ҳал этиш хусусида бўлди. Партия конференцияси иқтисодий, социал муаммолар, бошқа муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий йўлланма берди. Бу — мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик билан ишлаш ҳақидаги йўл-йўриқдир. Ҳар бир меҳнатчи шахсан ўзининг, қолаверса, коллективнинг фаровонлиги учун курашиши керак. Суҳбат давомида унинг қатнашчилари шундай бир фикрга келдилар: цехни қайтадан қуроллантириш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиш шароитида меҳнатнинг бригада усулини такомиллаштириш, пировард натижалар учун ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш, маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳам, уни истеъмол қилувчилар билан ҳам амалий алоқаларни йўлга қўйиш зарур.

15 июль куни Ўзбекистон саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари, муассасалари коллективларидаги ягона сиёсий кун ҳам мана шундай ишчанлик билан ўтди, унда конкрет қарорлар қабул қилинди. Бу сиёсий кун КПСС XIX конференциясининг якунларига, унинг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларга бағишланди.

Ҳозирча республикада яхшилик сари силжишлар суст бормоқда, халқит бериш йўлидаги уринишлар бутунлай барҳам топган эмас ва жадаллаштириш омиллари ҳаракатга келтирилмаган. Халқ фаровонлигини ошириш учун Советларнинг ролини кучайтириш, демократияни оғизда эмас, балки амалда ривожлантириш, жамиятнинг иқтисодий ва интеллектуал имкониятларини тўла-тўкис ишга солиш, бюрократик тўғаноқларни олиб ташлаш зарур.

Партия конференцияси олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Энди ҳеч қандай қўшимча кўрсатмалар, тушунтиришлар ва йўл-йўриқларни кутмай дарҳол амалий ишга киришиш муҳимдир.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идоралларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

● ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Рональд Рейган мамлакатда жуда кучайиб кетган қурғоқчилик миқёслари билан жойларнинг ўзида танишиб чиқиш учун қишлоқ хўжалик министри Ричард Линг, сенаторлар Алан Диксон ва Пол Саймон ҳамроҳлигида Иллинойс штатига жўнаб кетди. Бу штат маккажўхори ва соядан жуда мўл ҳосил олиниши билан машҳурдир. Рейган вертолёт ичида туриб далаларни кўздан кечиргач, фермерлар ва маҳаллий маъмурият вакиллари билан, шунингдек, қишлоқ хўжалик министрлигининг штатдаги вакиллари билан учрашди. «Бу — жуда катта фожиа бўлиб, ўз миқёслари жиҳатидан буюк таназзул даврларидаги қурғоқчиликдан ҳам ўтиб тушган кўринади», — деб таъкидлади Оқ уй бошлиғи. Рейган «энг кўп азият чеккан» фермер хўжаликларига кўрилган зарарни мумкин қадар кўпроқ қоплашда ёрдам бериш учун маъмурият бутун кучини сарфлайди, деб ишонтирди. У конгресс жуда яқин вақт ичида тегишли қонун қабул қилади, деб умид билдирди.

Қишлоқ хўжалик министрлигининг чамаларига кўра, агар қурғоқчилик давом этадиган бўлса, АҚШда дон ҳосилининг 20—25 проценти нобуд бўлади. Метеорология хизматининг маълумотига қараганда, жазирама иссиқ кунлар ҳали тугамайди.

● ГАВАНА. Сальвадор қўзғолончилари мамлакат автомобиль йўлларини тўсиб қўйиш мақсадидаги кенг миқёсли операцияни бошлашларини эълон қилдилар. «Венсеремос» радиостанцияси шу ҳақда хабар қилиб, ватанпарварлар Рио-Лемподаги гидроэлектростанциянинг иш ташлаган ишчилари билан 12 июль куни Сальвадорда бўлиб ўтган бирдамлик намойишларини маъмурлар шафқатсиз бостирганига қарши норозилик белгиси сифатида шундай ҳаракат қилаётганликларини ўқтиради. Партизанлар автомобиль транспорти воситаларининг барча эгалари сафарга чиқмай туришсин, деб огоҳлантирдилар.

Шу йилнинг бошидан буён Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронтининг отрядлари уч марта шундай операция ўтказдилар. Операциялар давомида мамлакат автомобиль йўлларидаги ҳаракат батамом тўхтаб қолди, шу жумладан ҳукумат қўшинларини ташлашга тўсқинлик қилинди.

● ПАРИЖ. Либерияда давлат тўнтариши қилишни режалаштирган генерал Николас Подиер шу мамлакатнинг Гвинея ва Кот-д'Ивур билан чегарадош Нимба районида ҳукумат қўшинларининг солдатлари томонидан ўлдирилган. Либерия радиоси шуни хабар қилди. Чоршанба куни кечқурун Либерия президенти Сэмюл Доу ана шу районда Подиер раҳбарлик қилган фитначилар группаси тормор этилганлигини айтди. Унинг бир қанча тарафдорлари ўлдирилди, қолганлари қамоққа олинди. Бироқ отишма чоғида Подиернинг ўзи ҳам ҳалок бўлганлиги фақат пайшанба куни маълум бўлди.

● МАДРИД. НАТОнинг янги бош секретари Манфред Вернер Испанияга келди. Аэродромда уни Испания ташқи ишлар министри Франсиско Фернандес Ордоньес кутиб олди. Сўнгра улар ташқи ишлар министрлигида бир соат суҳбат қилдилар, суҳбат чоғида Испаниянинг Шимолий Атлантика уюшмасига қўшадиган ҳиссасига оид масалалар, шунингдек Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар муҳокама этилди. М. Вернер ўзининг 24 соатлик визити давомида Испания қироли Хуан Карлос I, Испания ҳукуматининг раиси Фелипе Гонсалес ва мудофаа министри Нарсис Сера билан ҳам учрашиши кутилмоқда.

Кўнглимдаги гап

«Инқилоб хиёбони»га ҳурмат шуми?

Маълумки, пойтахтимиздаги энг табаррук масканлардан бири бу — «Инқилоб хиёбони»дир. Гарчи бу боғни бир пайтлар чор Россияси амалдорлари бунёд этган бўлса-да, гарчи бу боққа бир пайтлар оддий кишиларнинг кириши ман этилган бўлса ҳам, кейинчалик Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларида бу маскан Туркистон меҳнаткашларининг, ишчи-деҳқонлару революция комиссарларининг қизғин митинглари бўлиб ўтадиган, жўшқин нутқлар янграйдиган эзгулик майдонига айланди. Бир сўз билан айтганда мазкур боғнинг диёримизда Октябрь революцияси ғалабаси билан боғлиқ кўп томонлари бор ва бундай масканлар ҳамиша ободу озода, саришта ва муқаддас сақланмоғи керак.

Энди ҳозирги аҳволни кўринг. Аввало бир манзарага диққат қилинг. Боғнинг ичида кафе-ресторан бор. Бунда шубҳасиз ҳар хил таомлар тайёрланади. Таомлар учун эса гўшт керак. Гўшт эса машиналарда келтирилади ва туширилади. Бериоқда эса экскурсовод қиз сайёҳлар гуруҳига бу боғнинг муқаддаслиги, революцион тарихи ҳақида маълумот бериб турибди. У ёқда эса гўшт тушириляпти. Сайёҳлар нима деб ўйлайди? Биринчи навбатда — шундай муқаддас масканда емакхона бўлиши шартми?

Биз ҳам сайёҳларга қўшиламиз ва айни замонда бир таклифимиз ҳам йўқ эмас: пойтахтимизда Туркистонда Октябрь революцияси ғалаба қозониши, комиссарлару инқилоб фидойилари тарихи, ҳаётию жанговар йўлини ўзида мукаммал мужассам этган революция музейи йўқ. «Инқилоб хиёбони»даги кафени шундай музейга айлантирилса қандай бўларкин? Бу ҳали, бир таклиф, холос. Бу масалада, албатта, кенг жамоатчиликнинг фикрига таяниш керак.

Иккинчи масала, «Хиёбон»нинг обод, озодалиги ҳақида. Боғнинг теграсини ўраган панжаралар кўп жойларда дарз кетган ёки қийшайиб ётибди, таъмирталаб. Дарахтлар тарвақайлаб кетган, буталмаган. Газеталар илинадиган тахта-доскалар саргайиб кетган, бўялмаган. Газеталарнинг бир бети бўлса, иккинчиси йўқ. Ариқлар тўла ахлат, улардан қўланса ҳид таралади.

Хуллас, «Инқилоб хиёбони» ўз номига муносиб бўлмоғи керак. Бу ерда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўргазмалар, юртимизнинг улуғ кишилари, ижодкорлар билан учрашувлар, кечалар уюштириш керак ва яна кўпроқ гуллар, алвон гуллар ўстириш керак.

С. САЛОҲИДДИНОВ.

Орзулар дарз кетмасин

Биз Тошкентга — республикамизнинг азим пойтахтига яхши ният ва умидлар билан ўқишга келдик. Шаҳар ҳақиқатан ҳам гўзал, майдонлар, метро, равон проспектлар кишига завқ бағишлайди. Лекин бу завқимиздан бир кунда ном-нишон ҳам қолмади. Гап бундай.

Биз Тошкент социал-таъминот техникумига ҳужжат топширгани бордик. Ҳужжатларни 1,5—2 соатда топширамиз-да, кейин бафуржа имтиҳонларга тайёргарлик кўрамиз, дегандик, бироқ... ишонасизми, ишонмайсизми, биргина ҳужжат топшириш учун саккиз кунимиз кетди! Техникумга ўқишга келганлар жуда кўп. Ҳужжат қабул қиладиганлар эса бор-йўғи бир киши! Охири тоқатимиз тоқ бўлиб, техникум директорига мурожаат қилдик. У эса «Бизда штат кам, кўплар отпускада, нима қилайлик»дан нарига ўтолмади.

Бутун мамлакатда революцион ўзгаришлар бўлиб турган, таълим системасида туб ислоҳот амалга оширилиши лозим бўлиб турган бир пайтда бу қандай ҳол? Ўйлаймизки, кўпгина билим юртларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Болалар катта орзу-ҳаваслар билан ўқишга келади, лекин қабул комиссияларидаги бундай манзараларга дуч келиб, ҳаваслари дарз кетади. Наҳотки, жамият келажагига, бўлажак кадрларга эътибор шу бўлса? Партия конференциясида бюрократлик ҳақида бекорга Резолюция қабул қилинмади. Техникумдаги биз гувоҳ бўлган аҳвол ҳам бюрократликдан бошқа нарса эмас, деб ўйлаймиз.

Н. ОТАХОНОВ.

Фарғона.

Баҳоси арзон бўлсин

Ҳозирги вақтда кишилар ўртасида қадр-қиймат, меҳр-оқибат кўтарилиб кетаётгани ҳақида кўп гапиряпмиз. Дилхираликларимиз, тажангликларимизнинг бир томони моддий турмушимизга ҳам боғлиқ, деб биламан. Масалан, аёллар кўйлагини олайлик, қишлиги у ёқда турсин, ёзлиги, меҳмонизломга киядигани 100 сўмдан ошиқ туради. Замонавий моданинг олдини кияман деганларга 200—300 сўмлик кўйлаклар ҳам бор!

Эр тажанг—рўзғорни тебратсинми, хотинига бир ойлик маошига тенг келадиган кўйлак олиб бермасинми?

Бу ёқда хотин тажанг — «Фалон йилдан бери битта яхши кўйлакка зорман: сочим супурги, кўлим косов».

Оилада арзимаган кўйлак деб эр-хотин ўртасида бўладиган бундай дилхижилликнинг олдини олишнинг йўлини ўйлаш керак: бунинг учун чиройли газламалардан баҳоси арзон хушбичим кўйлакларни тайёрлашни кўпайтиришса олам гулистон.

И. МИРАҲМЕДОВА,

Тошкент.

Алло, редакциями?

33-57-02

32-55-35

«Ишончли мулоқот»

ҲУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР!

«Тошкент оқшоми» газетаси редакцияси қошида ташкил этилган «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ»нинг телефон орқали навбатдаги учрашуви **18 июль, душанба куни соат 10 дан 12 гача, сўнг соат 14 дан 16 гача бўлади.**

Саволларни назарда тутинг.

1. «ОҚШОМ» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ҚАЙСИ МАҚОЛАЛАР СИЗГА МАНЗУР БЎЛДИ. НИМА УЧУН!

2. ГАЗЕТАДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛМАДИ. БУНГА САБАБ!

3. СИЗНИ КЎПРОҚ ҚАНДАЙ МАЗМУНДАГИ МАҚОЛАЛАР ҚИЗИҚТИРАДИ!

Телефонда ёки хатда айтилган фикрларингиз исм-фамилиянгиз кўрсатилган ҳолда газетанинг келгуси сонларида эълон қилинади. Сиз истаган мавзудаги мақолалар тез вақтда тайёрланиб, газета саҳифасида ёритилади. «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» суҳбатида **18 июль, душанба куни «Тошкент оқшоми» газетасининг ходими Фарруҳ Раҳимов** навбатчилик қилади.

Ҳурматли оқшомхон дўстлар! Бизга телефон қилган пайтингизда ва хат йўллаганингизда Сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилган **уччала саволларга албатта жавоб қайтаришни унутмаслигингизни сўраймиз.**

Бутуниттифоқ ХIX партия конференциясида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг қилган докладида ва мунозараларда — янгилашган делегатлар нутқида механизмларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида жуда кўп муаммолар ошкора баён этилди. Тошкентдаги 1-троллейбус парки ишчилари ва ходимларининг мажлисида ана шулардан бирини — Абдулла Ахмедовичнинг ўзини — ўзлари билан ўрганишмоқда. Аёнимча, коммунистлар зиммасига шаҳар транспортидаги ишларнинг аҳволини кечиктирмай ўрганиб чиқиш вазифасини юклайдиган қарор қабул қилинган. Қорасув электр таъминот корхонасидаги ишлар ҳам ана шундай ишлардандир. Жамоатчи мутахассис — партия ташкилотининг секретари Бўри Рахимович Абдуғафуровнинг ҳузурида бўлиб, қайта қуриш йўлида содир бўлаётган ўзгаришларни ўрганишда суҳбатлашдик.

Партия турмуши ва қайта қуриш

Дадил қадам

— Маълумки, партия конференциясида қайта қуриш ва ошкоралик ҳар томонлама камол топди, демократик тараққиёт даражаси анча ошди. Қорасув коммунистлари Бутуниттифоқ ХIX партия конференцияси Резолюциясига қандай эътибор бермоқдалар?

Хозирги жадаллаштириш даврида конференция қарорлари муҳим аҳамият касб этди. «Совет жамиятини демократлаштириш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида», «Миллатлараро муносабатлар ҳақида», «Оиш қишлоғи тўғрисида» қабул қилинган резолюциялара эътибор қўчаётгандек ва бу ишлар ҳар бир КПСС аъзосининг ишидаги ва ҳаётидаги ўз ўрнини топди. Ишлаб чиқарадигани барча дафтарбаоларимиз ва хотиржамликка чиқ кўрилди. Оддий ҳайдовчидан то раҳбарга ўтиб ишлаётганлигимиз ҳеч ишимиз ҳисси ошириди. Бу яхши самара бермоқда. Троллейбусларимиз ҳаракат маршрутларини 93 процент ўрнига 97,9 процентга кўтарилди.

— Партия конференциясида бошланиб партия ташкилотлари фаолияти ҳақида сўзлар бўлди...

— КПСС раҳбарлик фаолиятини демократизация ҳаракатлари Резолюциясида бошланган эканлиги ва ушбу фаолиятни кучайтириш алоҳида эътибор берилган. Бу партиянинг талаб аҳолига намунали ишлаш ва меҳнат кўрсатиш ва ишлаш ниятини ошириш ва соғлиқ ва ижтимоий ишларни ривожлантириш ва ҳ.к. ишларнинг ҳаётимизнинг ҳаммасини ўз ичига олиши ва ҳар бирининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Ғунча.
Р. Шарипов фотоси.

Вилоятлар ДАПШАУКАС,
Литва ёзувчиси.

Танқид қил, танқид!

Тўппа-тўғри Паулаускас, ўрнингдан тур-да, олга ҳаракат қилишимизга тўсиқ бўлаётган нарсаларни танқид қил. Фақатгина пухта бўлсин. Даврга ҳамоҳанг деганларидай...

Паулаускас, хусусан, кимни танқид қилмоқчисан! Мильтинисни эмасми! Бекорчихўжа. Ишга кеч келади. Топшириқларни бажармайди. Танқидга арзийди.

Мильтинисни танқид қилмайсанми! Бефойда! Гапингда жон йўқ эмас, лекин...

Балки Юшканидир! Юшка арзийди... Юз грамм отволса бир шишани симиргандай одамни бузади. Қайнанасини қувалаб, уради. Ҳушёрхоналарнинг гули.

Нима, Юшкани ҳам танқид қилмайсанми! Сиртига сув юқтирмайдиганларданми! Нима ҳам дердим...

Менга қара, Дундулисни танқид қила қол бўлмаса. У маъновий жиҳатдан оқсайди. Подшоҳлардай хотинларини янглашга уста. Болаларига алимент тўламайди. Бундай маъновият билан қаёққа ҳам борарди...

Дундулис ҳам танқидга арзимайдими!.. Қизиқ...

Лекин, Паулаускас, кимнидир танқид қилишимиз керак, тушуняпсанми!! Танқид расм бўлган ҳозир. Танқидсиз бир қадам ҳам қўймаймиз... Кимни танқид қиласан, Паулаускас! Менимми!..

Бунг қара-я... Майли-майли... Ҳозир танқиддан озод одамнинг ўзи йўқ. Бошлиғингни ҳам танқид қилишинг мумкин. Лекин, Паулаускас, бир нарсани сўраб олишимга ижозат бер. Квартал мукофотини сенга бердимми! Бердим. Йўқ, мен шунчаки, беғараз... Аниқлаб олмоқчиман, холос. Эсимдан чиқиб қолсанг нима бўларди! Ҳайрият, унутмабман. Ун учинчи маошингни тўладимми! Тўладим. Яхши, ҳали паришонхотирликка йўлиқмабсан, Паулаускас...

Сен қараб турма, танқид қил, танқид... Қаршилигим йўқ, аксинча... Мен ҳам ҳамма қаторни танқид тарафдаман.

Чамамда, Паулаускас, сен квартира олиш учун ариза беруводинг, шекилли! Йўқ, шунчаки сўраяпман, сенга квартира зарурлигини била туриб, унутиб қўйсам инсофдан бўлмайди, нима дединг!.. Сен эса танқидни бошла... Танқидга квартираннинг сира ҳам алоқаси йўқ... Мен танқидни таъқиб қилувчилардан эмасман...

Айтгандай, Паулаускас, маҳкамамизда штатларни қисқартириш кўзда тутиляпти... Йўқ, мен шунчаки эслатиб қўйяпман. Ахир бу ҳаммага тааллуқли, шу жумладан сенга ҳам... Балки, айнан сени қисқартиришмас. Маҳаллий комитет билан биргаликда ҳал қиламиз бунг...

Паулаускас, сен анграйма, танқид қил, танқид... Хоҳлаганингча танқид қилавер... Мен эса хулоса чиқараман.

Нима, танқид қилгинг йўқми!.. Яхшиси, жим ўтирасанми! Афсус... Йўловдимми, сен Мильтинисни, Юшка ва Дундулисни ер билан яксон қиласан деб. Уларга бу ҳам кам...

Ўзинг-чи, ўзинг, Паулаускас, сен қачон қайта қуриласан! Сергайратроқ бўл, камчиликлар билан муроса қилма. Ҳамма бор овозда сўзлаётганда сукут сақлаш мумкин эмас...

Русчадан Оллоёр БЕГАЛИЕВ таржимаси.

Душанба — 18 июль

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА

Профилактика муносабати билан душанба, 18 июль куни МТ I кўрсатувлари соат 7.00 дан 10.55 гача ЎзТВ канали орқали намойиш этилади.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Менинг лўлиларим». Телевизион бадиий фильм. («Грузияфильм»). 10.45 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. Ҳужжатли фильмлар премьераси. 18.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади. 19.05 Футбол шарҳи. 19.35 Фалсафий суҳбатлар. Гуманизм жамият сари (Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари асосида). 20.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Мен сўзнинг қудратини биламан». Ленин комсомоли номли театр фильм-спектаклининг премьераси. 23.40 «Дунё воқеалари». 23.50 «Сен ҳақингда ва мен ҳақимда». Ю. Антонов қўшиқлари.

● МТ II

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 «Халқаро панорама». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Агар соғлом бўлай десанг». Мен сузишни биламан. 5-кўрсатув. 21.00 Сузиш. СССР чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 23.15 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Ўзимни-ўзим ҳимоя қиламан». Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида ҳужжатли фильм премьераси. 23.45 Янгиликлар.

● Ўз ТВ

16.00 «Жорий этиш». Илмий-оммабоп фильм. 16.40 Болалар учун фильм. «Тайга сири». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Дўстлар». Мультфильм. 18.30 «Ижод саҳифалари». В. В. Маяковский туғилган куннинг 95 йиллигига. 19.20 «Агросаноат: тажриба ва муаммолар». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Қадрдон дарахтзор». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Оразибон» халқ фольклор-этнограф ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Кино ва музика». Музикали программа. 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Порт». Бадиий фильм. 20.50 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари — ҳаётга!

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Сабзавот конвейери-88». 22.25 «Аэропорт хизматчилар йўлагида». Бадиий фильм.

Сешанба — 19 июль

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади. 9.35 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия. Танаффус пайтида (10.45) — Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Омск телевидение студиясининг программаси. 17.05 СССР Давлат академик Большой театри скрипкачилар ансамбли чалади. 17.25 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари премьераси: 18.00 «Салом, музика!», Москва ва Москва области болалар хор коллективларининг конкурси. 18.45 «Уй қура билиш маҳорати». Қишлоқда турар-жой қурилишининг илғор тажрибаси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Сени севаман, ҳаёт». Телевизион фотоконкурс. 19.40 «XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан». 20.10 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Олам кинокамера кўзгусида». 23.10 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Чашмалар». 9.50 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.20 Объективда — жониворлар. «Зубр», «Крохаль». Илмий-оммабоп фильмлар. 11.00 Халқаро конкурс лауреати Ю. Слесарев чалади. 11.30 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.00 «Салом, ҳамқишлоқлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.20 Рус тили. 12.50 «Инсонга қанот не даркор». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 14.15 «Ана холос». Мультфильм. 14.25 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 ва 6-серия. Танаффус пайтида (15.25) — Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Стол тенниси. СССР чемпионати. Суперфинал. 19.45 «...16 ёшга ва ундан катталар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Реклама. 21.20 «Инженерлик (Михайловск) қасри». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 23.40 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув (такрор.). 00.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ

16.00 «Қайтиш». Ҳужжатли фильм. 16.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар» (такрор). 17.40 «Авваламбор сўз...». Телефильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ҳунар-техника таълими қайта қуриш шароитларида. Илмий-оммабоп конференция. 18.45 «Кичик юлдузлар». Болалар учун фильм-концерт. 19.35 «Санъат оламида». В. Барноев ижоди ҳақида. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Чотқол тармоқларида». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Мақомчилар ансамблининг солистлари М. Ҳасанова ва Ҳ. Ражабий куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. «Демократия мактаби». 23.15 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Истеъдод маскани». Адабий кўрсатув. 20.30 «Городенцк усталари». Телефильм. 21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик — мангулик» программасининг почтасидан.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Концерт. 23.05 Объективда қайта қуриш. 23.25 «Болаларимиз йўллари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

Чоршанба — 20 июль

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Фидойи шахслар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.10 Янгиликлар. 11.20 Пианиночи К. Эльфер концерти (Франция).

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Корея халқ армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.50 «Мактаб: ўзгаришлар даври». 17.20 «Ўгирланган ой». Мультфильм. 17.35 Болалар учун фильм. «Қизил тош» заставаси». 18.50 «Уй қура билиш маҳорати». Қишлоқда турар-жой қурилишининг илғор тажрибаси. 19.20 «Дунё воқеалари». 19.40 «9-студияда ярим соат». 20.10 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Актуал объектив». ЦСДФ ҳужжатли фильмлар премьераси. 22.45 «Дунё воқеалари». 22.55 Санъат усталари. СССР халқ артисти О. Н. Андровская.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.10 «Тушимга куй кирибди...». Фильм-концерт. 10.40 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.10 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.20 Янгиликлар. 13.30 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7 ва 8-сериялар. 16.10 «Ўрмон хроникаси». Мультфильм. 16.20 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Очиқ китоб», 1-фильм. 5-серия. 17.25 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. СССР халқ артисти З. Соткилава. 19.45 От спорти. Ростов-Дондан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Музикали киоск». 21.15 «Агар соғлом бўлай десанг». Мен сузишни биламан. 6-кўрсатув. 21.30 «Время». 22.15 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7 ва 8-сериялар. Танаффус пайтида (23.35) — Янгиликлар.

● Ўз ТВ

16.00 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 16.55 Болалар учун фильм. «Футбол ҳақида сўз очманг». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари», «Петянинг трюклари». Мультфильмлар. 18.45 «Пионерлар мамлакатида». 19.30 «Инсон ва қонун» программасининг почтасидан. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Саян шаршаралари». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мусиқамиз хазинасидан». Муножот. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Сиҳат-саломатлик», «Здоровье» программаси кўрсатуви изидан. 23.00 Экранимизда биринчи марта. «Ғалати одам». Бадиий фильм. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

19.30 «Композитор Б. Гиенконинг ижодий кечаси» (такрор.). 20.15 «Синган тақа». Бадиий фильм.

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Суғориш ишларига эътибор берайлик». 22.25 «Дон қиссаси». Бадиий фильм.

Пайшанба — 21 июль

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Чиябўри ва бўталоқ», «Жажжи мишкалар». Мультфильмлар. 9.25 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.45 «Люблин — Польша Халқ республикасининг биринчи пойтахти». 11.10 Янгиликлар. 11.20 «Тош ҳам куйлай олади». Фильм-концерт.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Латвия телевидениесининг программаси. 17.30 «Музикали ҳазина». Л. В. Бетховен. Фортепьяно ва оркестр учун 2-концерт. 18.00 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «Уй қура билиш маҳорати». Қишлоқда турар-жой қурилишининг илғор тажрибаси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 Мультфильм премьераси. 19.45 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.10 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Катталар учун мультфильмлар. «Гусевнинг янги саргузаштлари». 22.45 «Дунё воқеалари». 22.55 Поляк қўшиқлари Бутуниттифоқ фестивали.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Бутунроссия конкурсининг лауреатлари Н. Абрамова (домра) ва А. Абрамов чалади. 9.35 Объективда — жониворлар. «Гренландия тюлени». Илмий-оммабоп фильм. 9.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.25 «Табиат билан ҳамжиҳатликда». 10.45 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.15 Мультфильмлар. 11.45 Болалар учун фильм. 12.50 Н. Г. Чернишевский. «Нима қилмоқ керак?». Телевизион спектакль. 1-қисм. 14.00 «Сени севаман, ҳаёт». Телевизион фотоконкурс. 14.05 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия. 15.25 Янгиликлар. 15.35 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Очиқ китоб». 2-фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.05 «Яна бир табассум». Цирк артистлари иштирокида фильм-концерт. 18.35 Янгиликлар. 18.45 А. Н. Александров. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 «Менинг муҳаббатим ва ташвишим». Байкал ҳақида ҳужжатли фильмлар премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия. 23.35 Янгиликлар.

● Ўз ТВ

16.00 «Ёшлигимиз қўшиқлари». 16.30 «Одам амфибия». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Алёнушка ва солдат». Мультфильм. 18.45 «Уфқ». Болалар учун киноальманах. 19.20 «Ёзувчи ва замон». Ижодкор ёшлар ва қайта қуриш. 20.00 «Ахборот». 20.20 «Долзарб вазифа». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Генчлик» турк ансамблининг концерти. 21.15 «Пицунда». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Амалий давра суҳбати». 23.15 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Жоним эрурсан, қўшиқ». Музикали программа. 20.15 Реклама. 20.25 Йўлдаги мулоҳазалар. Телефильм. 21.00 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Озуқа-88». 22.25 «Ягона оилада». Туркманистон телевидениесининг программаси.

Жума — 22 июль

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Абхазия дурдонаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси). 9.35 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.00 Янгиликлар. 11.10 «Сиз бунга қодирсиз».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар» туркумидан ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.00 Новосибирск телевидениеси ва радиоси рус халқ чолғулари оркестрининг концерти. Новосибирскдан кўрсатилади. 17.45 «Фан: назария, тажриба, практика». 18.15 Польшанинг миллий байрами — Польша ташкил топган кунга. ПХР телевидениесининг программаси. 19.10 Шеърият лаҳзалари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Демократияни ўрганамиз». «Жамият ҳаётини демократиялаш. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари асосида. 20.05 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Телевизион танишув. Анатолий Карпов (Эстония телевидениеси). 23.35 Ҳужжатли фильм премьераси. 00.10 «Нигоҳ». Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Москва шаҳар халқ чолғу оркестрининг концерти. 9.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.20 Объективда — жониворлар. «Чўчитилмаган қушлар ўлкаси». Илмий-оммабоп фильм. 10.40 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.30 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 4-серия. 12.35 М. Г. Чернишевский. «Нима қилмоқ керак?». Телевизион спектакль. 2 ва 3-қисмлар. 14.05 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия. 15.35 Янгиликлар. 15.45 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Очиқ китоб». 2-фильм. 3 ва 4-сериялар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Саёҳатчилар клуби». 19.45 Москва, Ленинград, Рига ва Киев ёш опера артистларининг концерти. Ригадан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 21.00 Халқ чолғу куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Польша йўллари». Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия. 23.45 Янгиликлар. 23.55 «Евгений Евтушенко шеърлари».

● Ўз ТВ

16.00 Туристик маршрутлар бўйлаб. «Мовий сўқмоқлар». 16.40 «Маншук ҳақида қўшиқ». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Бўри ва бузоқча». Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 19.00 «Социалистик турмуш тарзи». 19.30 «Ҳамма кутаётган машина». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Комсомол прожектори». Пионер лагерларидаги муаммолар ҳақида (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». М. Шокиров. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ретро». Экранда «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Насриддиннинг саргузаштлари» (рус, 1946 й.) 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма. 20.20 «Шаҳар юмушлари ва ташвишлари». Тошкент шаҳрининг сабзавот ва мева билан таъминлаш муаммолари ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Бир доктор бўлган экан». Бадиий фильм (рус.).

Шанба — 23 июль

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Этери Анжапаридзе чалади (фортепьяно). Тбилисидан кўрсатилади. 9.30 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.00 «Самода Покришкин». Уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ҳақида ҳужжатли фильм. 10.30 «Уй академияси». 11.00 «В. Золотухин куйлайди». Фильм-концерт премьераси. («Экран»). 11.30 Театр ва замон. «Голгофа» ва бошқалар (Болтиқбўйи театр баҳори). 12.45 «Социализм мамлакатларида». Телевизион журнал. 13.15 «Мерос». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.40 «Дунё воқеалари». 14.00 Шанба — ота-оналар куни. Болалар йўл травматизми ҳамда сувда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳақида. 15.15 «Бу тиришқоқ хўтик». Мультфильм. 15.25 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 15.50 МТ экранида биринчи марта. «Спорт, спорт, спорт». Бадиий фильм. 17.20 «Миср: пирамидалар мамлакатининг янги куни». Кинопрограмма. 18.00 «1988 йил қўшиқлари». 18.20 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 19.20 «Халқаро программа». Фокусда — проблема. Ливан... Охири кўринмайдиган уруш. 20.05 ВЛКСМ 70 йиллигига. «Олтинчи». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Польша қўшиқлари Бутуниттифоқ фестивали. «Ер — она масканимиз». Дўстлик концерти. Витебскдан кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. «Тафаккур» программаси

8.45 Студия таништиради. «Дивосвит». (Киев). УССР ФА Марказий ботаника боғининг коллекциялари ҳақида. 9.20 «Магнит майдонларининг акс-садоси». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 «Новаторлар ва консерваторлар». Ихтиочилик ҳақидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси. 10.20 «Здоровье» программасининг кинозали. 11.10 «Ҳайвонот оламида». 12.10 Сайланмалар. Йозеф Гайд. 13.00 Инсон институти. 14.30 Москва — Бостон — Вашингтон телекўприги. Кариб инқирози. 15.30 «Нельсон Манделланинг 70 йиллигига». Уэмбли стадионида концерт (11 июндаги кўрсатув такрорланади). 17.55 «Муҳаббатим, қайғум менинг». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм» ва Туркия). 19.25 Реклама. 19.30 СССР халқ артисти И. Архипова концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Голландия терма командалари. Юрмаладан кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Афиша». Бадиий фильм. («Молдова-фильм»). 23.25 Янгиликлар. 23.35 Волейбол. А. И. Чиннилин хотираси учун халқаро турнир. Хотин-қизлар. ГДР — СССР терма командалари. Одессадан кўрсатилади.

● Ўз ТВ

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

9.30 «Шанба экрани». Кинопрограмма. 10.20 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. «Лев Ким Коммунаси». Телеочерк. 10.50 «Соғлиғингизни болаликдан асранг» (рус.). 11.25 «Тоғда ёз қишқа бўлади». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 12.45 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Музикали программа. 13.15 ЎзТВ фондидан. Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 14.55 «Китоб дўстлари». Телевизион альманах (рус.). 15.30 «Буни ҳамма билиши ва удделаши керак».

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Ўсмирлар учун. «Ровесник» (рус.). 18.35 «Мультипанорама». 19.20 «Тил — маданият кўзгуси». Бадиий асар тили ҳақида суҳбат. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Етим бўлиб туғилмайдилар». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мусиқа жавони». Тележурнал. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Одамлар, менга ишонинг». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мен яшаётган олам». 18.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 18.35 «Китобнинг иккинчи умри». 19.00 «Новости». 19.20 Созн Борбад. 20.00 Кинолавҳа. 20.30 «Маслаҳат ва муҳаббат». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Чойхонаи мушфиқ». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Якшанба — 24 июль

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал. 9.50 «Спортлото тиражи». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув. 12.00 Мультипликацияда фантастика. «Парвоз», «Уч новелла». 12.20 «Шолохов баҳори». Вешенская станциясида фольклор байрами. 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Здоровье» программасининг кинозали. 15.15 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка плюс ...» (Одесса киностудияси). 15.45 «Биз қандай дам оламиз». Калинин области Конаково шаҳри аҳолисининг дам олишини ташкил этиш ҳақида. 16.25 Шеърият лаҳзалари. 16.30 «Жонли планета». Ун икки серияли ҳужжатли фильм премьераси. 2-серия. (Буюк Британия). 17.25 П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. 3-симфония. 18.30 «Халқаро панорама». Якшанба кинозали. 19.15 «Хризантемалар боғи». Мультфильм премьераси; «Бизнинг ҳовлимиздачи?». Ҳужжатли фильм премьераси (Қозонкинохроника студияси). 20.00 «Афоня». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 21.30 «Время». 22.05 Катталар учун мультфильмлар: «Фақат катталар учун», «Бувимни кутиб олинг». 22.25 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевикторина тугагач — Янгиликлар.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! «Тафаккур» программаси.

8.45 «Сиз яратган боғ». 9.20 «Юлдузча». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув журнали. 10.05 Телевизион театр абонементи. В. Маяковский театри. 1 ва 2-кўрсатувлар. 12.25 Иқтисодий билимлар асослари. «Телеэка» журнали. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари асосида. 12.55 «Оламга саёҳат». Киноальманах. 13.55 Ажойиб кишилар ҳаёти. Совет олими А. А. Фридман.

* * *

14.40 «Бўёқ ўғрилари». Мультфильм. 15.00 «Ватаннинг қадрдон кишилари» туркумидан. В. Маяковский ҳаёти ва ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Прага баҳори» фестивали концертлари. Б. Сметана. Уч симфоник поэма. Чех филармониясининг оркестри ижро этади. Дирижёр — И. Белоглавск (ЧССР телевидениеси). 16.40 «Фидойи шахслар». 17.25 «Гусарнинг уйланиши». Бадиий фильм. 18.40 «Эстафета». Физкультура-спорт программаси. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.05 Чет эл фильмлари экрани. «Юғур Саймон, юғур» (АҚШ). 21.15 От спорти. СССР чемпионати. 23.50 Янгиликлар.

● Ўз ТВ

8.30 «Ассалому-алайкум». Информацион-музикали программа.

10.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 11.00 «Биргаликда куйлаймиз». С. Абрамова, Ҳ. Муҳаммад. «Ёз қўшиғи». (такрор.). 11.30 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 12.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.45 «Шахмат мактаби». 14.15 «Генетика муаммолари». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 14.45 «Театр ва замон» (рус.). 15.35 «Мактаб қисқоти — ҳаётга!» 16.05 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мовий филча». Мультфильм. 18.15 «Бахтли болаликмиз». «Санъат байрами» республика конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. 19.30 Бугун — Савдо ходимлари куни. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Оқибат». Илмий-оммабоп фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот» танқид қилади...». «Гиёҳвандликка ўт очамиз» (такрор). 22.30 Экранимизда биринчи марта. «Рисоладаги одам». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Фэт-фрумсе ва қуёш». Мультфильм. 18.10 Театр сизнинг хонадонингизда. С. Сафаров. «Аччиқ ҳақиқат». Лохутий номли академик драма театрининг спектакли. 20.00 «Жаҳоннома». Информацион-бадиий публицистик программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Жаҳоннома». Информацион-бадиий публицистик программанинг давоми.

Бувижон, ўқиб беринг



Қўшни-қўшни (Ўйин)

Қўшни-қўшни
ўйнаймиз,
ўйнаб роса
қувнаймиз.
Беринг қўшни
ён қўшни!
Олинг ошни
жон қўшни
Олди, берди
бизда бор.
Менда йўғи
Сизда бор.
Ширин гаплар
Кўп бўлар.
Кўнглимизга
Завқ тўлар.
Яхшиликка
не етсин.
Ёмонлик —
қуриб кетсин!

Суҳбат

— Кобра, чиройли-а?
— Ҳунук экан, Тўлан!
— Кўргин-а, бир унг Кўзойнаги билан.

Анвар МИРЗАЕВ.

Рассом хандаси

— Ростини айт, «пул» олишимни қаердан била қолдинг дарров?

— Юз сўмликка ўхшаб кўринмай қолдинг, деганингиздан пайқадим, хўжайин.

— Ҳеч бўлмаса қўшниларидан уялинг дадаси.

— Ахир улар ухлаб ётишибди-ку.

— Ҳа, йўл бўлсин, қаёққа?

— Нариги бозорга. У ерда қимматроқ эмиш.

ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

География ўқитувчисининг хуноби ошди.

— Дарсни қойиллатдингиз, майли, картадан қалайсиз!

— Унча-мунча биламан, муаллим, — хижолат аралаш жавоб берди ўқувчи.

— Нимани биласан!!

— «Ун бирни, «йигирма бир»ни, яна «дурак»ни...

ГОНОРАР

Ёзувчига туғруқхонадан қўнғироқ қилишди:

**— Табриклаймиз, ўғил бил